

ЛИБОС ГҶЗАЛЛИКМИ...ЁКИ

Замонавий хушбичим либосларни танлаш яхши, бироқ уят, ори-ни йиғштириб қўйиб ярим яланғоч тарзда кийиниш маъқул эмас. Мода кетидан қувиб, кимларгадир тақдир қилиб ёшига ярашма-ган кийимларни кийиб, кулгига қолиш инсон учун уят, албатта. Айниқса, кизларимиз, аёлларимиз аёл эканликларини унутмас-ликлари керак. Кўркам, гўзал қилиб кўрсатадиган миллий ли-босларимиз бор. Муқаддас динимизда аёллар-нинг эркаклар назарига тушиш, ўзини кўз-кўз қилиш учун кийим кийиши гуноҳ ҳисобланади.

2-бет

ТЕМИРГА БОЙ УН ҚАНЧА ТУРАДИ?

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1 кг бойитилган уннинг нархи, оддий унга нисбатан 1 сўмга қимматла-шади. Шунинг учун ҳам бу анемия — камқонликдан қўти-лишининг энг самарали ва арзон йўлидир. Гапимизнинг исботи сифатида далилларга юзланамиз. Темир мод-даси ва фоллий кислотаси билан бойитилган ун АҚШ-нинг ўзида ҳар йили нафақат анемияни, балки 5000 гача инсульт ва 25000 ин-фаркт ҳолатларини бартараф қилади.

3-бет

ФИДОЙЛАР

— Яқинда Россия Федерациясида бўлиб, 20-асрнинг 20-50 йилларига доир шу пайтгача ўрганилмаган ҳужжатларни олиб келдик ва шулар асосида «Репрессия, 1937-1938 г» номли ҳужжатлар тўпламининг 1 жилдини «Шарқ» нашри-ёт-матбаа концернида чоп қилдик. Тез орада II ва III жилд асарлар ва «Миллий тарихимизга янгича қараш» но-мили тўплам ҳам нашрдан чиқади — дейди жамғарма раҳбари, профессор Рустамбек Шамсутдинов.

4-бет



Mustaqil gazeta HURRIYAT

1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan E-mail: hurriyat@yandex.ru № 5 (467) 2006-yil 8-fevral

«HURRIYAT»ga 2006 йил учун обуна йил бўйи давом этади Газетамизни ўқиб боринг, ютказмайси! Нашр кўрсаткичи — 233

Жараён

Анджон шаҳри фуқароси бўлган Михаил Сахо мактабда ўқувчилар етакчиси бўлиб ишлаган. Биринчи марта хотинини сўйиб юборгани учун 10 йил қамок жазосига ҳукм этилган. Қамок муддатини ўтагач, у Россияга жўнаб кетди ва уйланиб яна иккинчи хотинини ҳам ўлдирди. Иккинчи муддатини ҳам тўғатиб, Анджонга қайтди. Наташа исми аёлга уйланиб уни ҳам ўлдирди. Бу ҳам етма-гандек жиноятчи шериги билан ўғли

Андрейни боғлашиб, пул талаб қилишиб, қийнашди. Инсоний қиёфасини йўқотган ота ўглининг биқини ва бошига жароҳат етказиб ўлдирди. У аёл ва бир нақирон йиғининг ҳаётига зомин бўлган М. Сахо қўтиллигини эшитган одам, наҳотки табиатнинг олий хилқати бўлган инсон шунчалки ваҳший ишларга қодир бўлса, дея ёқа ушлади.

Табиийки, савол туғилди, ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги Фармон кучга кир- гандан сўнг Сахо каби жиноят-чилар қўтириб кетмайдими? Шошма-шошарлик билан ҳукм чиқаришга ошқинманг. Чунки бун-дай ҳолларда ҳиссиётларга бе-рилмасдан етти ўлчаб бир кесиб, керак бўлса етмиш ўлчаб бир кесиб иш қўриш лозим бўлади. Зеро, Фармонда инсонни яшаш-га бўлган олий ҳуқуқи ҳақида сўз борапти.

ИНСОНПАРВАРЛИК

Узбекистон Республикаси Кон-ституцияси 13-моддасида инсон, унинг ҳаёти олий қадрият деб эътироф этилган, 24-моддасида эса яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсон-нинг узвий ҳуқуқидир, дейилган. Шундай экан ўлим жазосини қўллаш билан инсоний ҳуқуқлар-ни пайлом қилган бўлмайми? Тўғри, бу жазо жамият учун ҳав-фили бўлган жиноятчилар учунги-на ижро этилади, дея бахslashи-шингиз мумкин. Лекин ўша жи-ноятчи ҳам сиз билан яшаётган, жамиятимизнинг аъзоси эканли-

гини сира унутмаслигимиз лозим. Шу ўринда жиноят қонунчили-гимизнинг тарихига бироз тўхта-либ ўтсак. Мамлакатимиз муста-қилликка эришгунга қадар 1959 йил тахриридаги Жиноят кодек-си амалда бўлиб, унда ўлим жа-зоси 33 та модда бўйича, ҳатто иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун ҳам қўлланилар эди. Масал-лан, давлат ёки жамият мулкни жуда кўп миқдорда талон-тарож қилганлик учун (кўп миқ-дордаги қий-мат эквивалент

10 миң совет рублини ташкил этган) неча-неча одамлар яшаш ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар. 1998 йилга келиб Жиноят кодек-сининг 5 та моддасида ўлим жа-зоси қўзда тутилди. 2001 йилда бу рақам 4 тага туширилди. 2003 йил декабрида Олий Мажлис II-чақириқ XIII сессиясида қабул қилинган Қонунга асосан фақат икки ҳолатда (жавобгарлигини оғирлаштирадиган тарзда одам ўлдириш ва терроризм жиноят

МММда

“ӨАТҲН ҚАДАМ” ТАДОРИГИ

Аввал хабар берганимиздек, миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омлаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик по-зициясини намोён этиш ҳамда журналистларда та-риқий фикрларни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида Ўзбеки-стон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журнали-стлари қайта тайёрлаш халқаро маркази ташаб-буслоридида Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишлаб “Олтин қалам” халқаро танловини таъ-сис этган эди. Хозирда ОАВ соҳасига тегишли бўлган маҳаллий ва халқаро ташкилотлар вакилла-ридан иборат ташкилий қўмита доимий ишлаб ту-рибди. Яқинда ташкилий қўмитанинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда асосан учта:

Йиғилишни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, танлов ташкилий қўмитаси раиси Шерзод Фуломов кириш сўзи билан бошлаб, бу танлов мамлакатимиз тарихида биринчи марта бўла-ётганлиги ва бу аънавий тус олишини, шунинг учун танлов чуқур таҳлил ва ҳолис баҳолашни лозимлиги ҳақида гапириб ўтди.

Ташкилий қўмита аъзолари, Ўзбекистон муста-қил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ди-ректору Жалолиддин Ҳақимов ва “Новости Узбе-кистана” газетаси бош муҳаррири Борис Бабаев танлов голибларига совғалар топишириш мароси-мини юксак савияда ташкил этиш тақдирини бил-дирибди. Бу тақдир бошқаларга ҳам маъқул келди ва ташкилий қўмита аъзолари танлов голибларига совғаларни топишириш маросимини 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига тантанали равишда ўтқа-зиш қарорига келишди.

Тадбир

ЁШЛАРГА “ШЕДЕВР” АСАРЛАР КЕРАК

Пойтахтимизнинг Бухоро кўча-сидаги 26-бинода “Шарқ” нашри-ёт-матбаа компаниясининг “Шарқ зиёкори” очик акциядорлик жами-ятига қарашли китоб маркази очилди. Марказнинг очилиш мароси-мида ёзувчи ва шоирлар, но-ширлар ва жамоатчилик вакилла-ри иштирок этди. Тадбирга сўзга чиққанлар, ёш авлод онгига мил-лий истиқлол голярига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий қадри-ятларимизга ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашда китоб го-ят муҳим аҳамиятга эга экан-лигини таъкидлади.



Аҳвол

ТАРАФЛАР КЕЛИШИШДИ...

судга қайта-қайта боришга сабрлари етмади

Уйимга сўлғин қиёфада кириб кел-ган кўшни қишлоқда яшовчи Мама-дали Қамбаров бир оҳангда суд жа-раёнида ўз вакили сифатида қатна-шиб беришимни илтимос қилди. “Суд-ьяларимиз қилин қирқ ёрадиган бўлиб кетишган. Шубҳа қилманг, суд-ьялар адолатсиз иш қилишмайди” — дея унга тасалли бермоқчи бўлдим. Мамадали истеҳзо билан мийғида кулди: “Қошки... Мана бу ҳужжатлар билан танишиб кўринг”, — семизгина йиғма жилди узапти.

— Бу нима? — сўрадим ҳайрон бўлиб. — Сиз мактаётган судьялар томо-нидан чиқарилган ҳал қилув қаро-ри, ажрим ва шу ишга доир бошқа ҳужжатлар.

Мехмон отангдан улуг. Унинг райини қайтармаслик учун бир кар-ра кўз югуртириб қўйиш нияти бил-лан йиғма жилдини қўлимга олдим.

Биринчи ҳужжат фуқаролик иш-лари бўйича Анджон вилояти Избос-ган туманлараро суди судьяси Б. А. Ибрагимов томонидан Балқичи ту-ман Охунбобоев ҚФЙ Чинобод қиш-лоғи Шох кўчасидаги 115-уйда яшов-чи Ғаниева Ҳикматхоннинг жавобгар Хайдаров Мамадалини уйдан мажбу-рий кўчириш ҳақидаги фуқаролик иши юзасидан 2003 йил 15 июль кунини қилган ҳал қилув қарорининг ўқиб бўлмас даражадаги ноаниқ нус-хаси экан. Уни ўта қўйишчилик бил-лан имкон қадар ўқиб чиқдим. Би-ринчи ўқишдаёқ Мамадали (жавоб-гар)нинг истеҳзоли кулгусини тушун-гандай бўлдим. Кейинги саҳифалар-даги ёзувлардан маълум бўлишича бу ҳал қилув қарори давоятвор Х. Ғаниева ҳам, жавобгар М. Қамбаров ҳам, ишда иштирок этган туман прокурорига ҳам маъқул келмапти. Учаласи ҳам ўзларининг қонуний ҳуқуқлари ва ваколатлари дориса-да вилоят апелляция судига шикоят



Шундан сўнг китоб ихлосмандлари китоб марказидан ўрин олган беш мингдан ортиқ номдаги китобларни кўздан кечи-ришди. Айниқса, миллиятимиз, қолаверса, шарқ зиёкорлари бўлган адиб ва шоирла-римиз китоблар атрофида ҳайрат ила пар-вона эди. Эндиликда ана шундай замона-вий китоб марказларини жойларда ҳам очиб мўлжалланмоқда.

Иккинчи ҳужжат. Давоятворнинг апелляция шикояти ва Избосган ту-ман прокурори Г. Атахонов томони-дан келтирилган протест асосида 2003 йил 15 октябрь кунини фуқаро-лик ишлари бўйича Анджон вилоят судининг апелляция судлов ҳайъати (раислик қилувчи фуқаролик иш-лари бўйича вилоят судининг раис ўринбосари Д. Ж. Қаҳқоров, ҳайъат аъзолари — судьялар А. Қодиров, О. М. Қобулов) ушбу фуқаролик иш-ларини апелляция тартибидеа қўриб чиқаришга ўзбекистон Республикаси

аризаси ҳамда протест ёзилибди. Чумқў сўйсаям қасосб сўйсин де-ганларнинг, туман прокурори про-тестидеа ҳал қилув қароридеа қўйи-даги хатоликларга уруғ берилибди: “... Марҳум ота-онасидан қолдирил-ган васиятномага кўра, низоли уй, уйдан ташқари барча мулклар дав-оятворга мерос сифатида қолдирил-ган. Суд меросни бошқа меросхўр-ларга ҳам бўлиб бериш ҳақида тўхтама қелган. Лекин васиятнома-ни бекор қилиш масаласи ҳал қилин-маган. Васиятнома қабул қилинган-да мерос олиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар тоифаси тўғри аниқланма-ган. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғриси-даги гувоҳнома берилишининг қон-унийлиги тўла ўрганиб чиқилмаган. Нотариус ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо берилмаган. Ўзбекистон Республи-каси ФПКнинг 15-, 160-, 312-мод-даларининг талаблари баҳарилмаган. Юқоридегиларга кўра суд чиқарган ҳал қилув қарори бекор қилиниши-ни сўрайман.”

Давоятвор Х. Ғаниева апелляция шикоятидеа фуқаролик иш судья то-монидан ишдаги барча ҳужжатлар яхши ўрганилмаганлиги, оқибатда унинг даввоси рад қилинганлиги қўрсатилган.

ФПКнинг 15-моддаси талабларига риоя қилинмаган, судга тақдим қилинган материаллар ва тушунти-ришлар билангина чекланиб, ишни бир томонлама қўриб ҳал қилув қарори чиқарган деган хулосага ке-лади. Аммо апелляция шикояти ва апелляция протестини қисман қано-атлантириш, ҳал қилув қарорининг асосий қисмини ўзгартириш қолди-риш ҳақида ажрим чиқаради.

Танлов

Мустақил босма нашрлар ва журналистлар учун “ЖАМИЯТ ВА МЕН” РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот аген-тликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мустақил босма нашрларда мамлакат ижтимоий ҳаётининг устувор ва долзарб ма-взуларини кенг ёритиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, рес-публиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш ҳамда босма на-шрларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг ну-фузини ошириш, босма нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни ҳолис ва ҳаққоний танқидий ва таҳлилий жиҳатдан юксак савияда таёр-лашган материаллар билан боитиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятидаги му-ҳим ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, журналистларнинг профессионал даражасини, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида рес-публикадаги мустақил босма нашрлар ва журналистлар ўртасида “ЖАМИ-ЯТ ВА МЕН” танловини эълон қилади.

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Танловга жорий йилнинг 1 февра-лидан 1 июнига қадар мустақил бос-ма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар қабул қилинади.

Танлов икки йўналишда: мустақил босма нашрлар учун алоҳида ва жур-налистлар учун алоҳида ўтказилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга мамлакатимиздаги иж-тимоий-иқтисодий, маданий-маъри-фий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислохотларнинг боришини, санъат ва спорт, таълим ва тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган да-стурларнинг амалдаги ижросини та-риғ қилишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма нашрларда танлов учун махоси ташкил этилган “Жамият ва Мен” танловига) рункида жорий йил-нинг 1 февралдан кейин чоп этил-ган бўлиши шарт.

Тақдим этилган материаллар икки қатор ораллида икки нусхада, бос-ма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар — нашр номи, муас-сислари, бош муҳаррири, иктисос-лашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида — фамилия-си, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, пас-портга оид маълумотлар илова қили-нади.

ТАНЛОВНИ ЎТҚАЗИШ ТАРТИБИ

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалари ман-фаатдор вазирилик ва идоралар ва-киллари орасидан танланган нуфуз-ли ҳайъат томонидан қўриб чиқила-ди ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг иж-тимоий аҳамияти, материални етқа-зишдаги аниқлик ва ўзига хошлик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

МУХБИРИМИЗ

(Давоми 2-бетда)

(Давоми 2-бетда)

Дараклар

ОИЛА МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ОЛИЙ КЕНГАШ ТУЗИЛАДИ

Саудия Арабистони парламенти Оила масалалари бўйича Олий Кенгаш ташкил этишга қарор қилди. Бу ҳақда жамоат ишлари, оила ва ишчи кучи кўмитаси раиси доктор Хамид Абу Зайд ал-Жаҳоний маълумот берди. Унга кўра Олий Кенгаш оиланинг иқтисодий, ижтимоий хавфсизлиги ва таъминот муаммолари билан шуғулланади.

Шунингдек, Абу Зайд Кенгашнинг оилани режалаштириш, унинг таъминоти ҳамда жамиятдаги ўрни масалаларини ўрганиб боради. Маърузалар тайёрлаб ҳукуматга тақдим этилади ҳамда мазкур масалалар юзасидан тегишли ҳукумат ҳужжатлари қарор қилинишида иштирок этади.

СОЧИДА СОВУК ХУКМРОН

Сочи ва унга яқин туманлар аҳолиси қарийб беш сутка зимистонда ўтиришди. Мисли кўрилган қор ва шамол электр тармоқларига катта зарар этказди. Табиий офат этказган зарарни бартираф этиш учун Фавкулда вазиятлар вазирлигининг 250 та кутқарувчиси, кўплаб техника воситалари ва битта вертолётни жалб этилди.



Кутқарувчи ва мутахассислар электр тармоқларини тиклаш билан бир пайтнинг ўзида йўللарда агнаган дарахлар, симёғочлар ва қор уюмидан тозалашга мажбур бўлишди. Сунгги маълумотларни тарқатган "Кубанэнерго" матбуот хизмати мутасаддилари шахар ва бир қанча туманларга электр бехўтоҳ узатила бошлагани, агнаган симёғочлар ўрнига янгилари тикланганини билдиришган. Краснодар ўлкасининг Азов денгизи қирғоқларида ҳам оғир вазият юзга келган. Баъзи жойлардаги музнинг қалинлиги икки метрга өтган. 12 та кема муз қуршовидан очик денгизга чиқа олмаган. Ейск бандагоҳидан Туркиянинг Гебзе бандаргоҳига йўл

олган "Кассиопея" кемасини муз теши юборган. Кемани украинликлар ижарага олган бўлса-да, у вақтинча Комбоджа байроғи остида ҳаракатланган. Хабарларда кема Россиядан Туркияга тахта тошигани айтилмоқда

ГУРЖИСТОН НАТОГА КИРМОҚЧИ

Бу ҳақда Грузия президенти Михаил Саакашвили журналистлар билан бўлган учрашувда маълум қилди. Яқин вақтлар ичида Гуржистоннинг Шимолий Атлантика ҳарбий ташкилати аъзоллигига кириши масаласи кўриб чиқилади. Президент Гуржистон МДХ Мудофаа вазирлари кенгашидан чиқмоқчилигини айтиб ўтган.



"МДХ Мудофаа вазирлари кенгашида Гуржистоннинг ишторик этиши унинг келажақда НАТОга аъзо бўлиш масаласига салбий таъсир ўтказиши мумкинлигини эътиборга олиб кенгашдан чиқишга қарор қилдик", деди Саакашвили. МДХга аъзо давлатларнинг баъзи расмий вакиллари Гуржистон раҳбариятининг бу ҳаракатида жуда катта йўқотиш кўринмаётганини айтишмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси Бош вазирлиги ўринбосари, Россия Мудофаа вазирлиги Сергей Иванов, Гуржистон анчадан бундан МДХнинг Кенгашида ва учрашувларида қарийб ишторик этаётганини йўқ эканлигини, унинг МДХ Мудофаа вазирлари кенгашидан чиқиб кетиши биз учун катта йўқотиш эмас, - деган фикрни билдирган.

ГРИНСПЕННИНГ ВОРИСИ ИШ БОШЛАДИ

Ўтган ҳафтада АҚШ Федерал заҳира тизими раҳбари Алан Гринспен ўз лавозимини тарк этганди. У бу вазифада роппа-росса 18 йилу олти ой хизмат қилди.

Ўзининг фаолияти даврида кўплаб ижобий янгиларни Америка иқтисодиётини ривожлантиришга татбиқ этган Гринспен ҳатто, "қарнинг киши" деб ном олди. Албатта, ижобий маънода. Бу шахс бутун америкаликларни кредит олиб яшашга ўргатди.

Ўтган йилнинг октябрь ойида президент Буш Гринспеннинг вориси бўлмиш Бен Бернанкини оммага таъинлашга қарор қилди. Бу ҳафтадан бошлаб Бен ўз вазифасини бажаришга киришди. У Гринспендек ишлаш оладими йўқми, бунинг вақт кўрсатади. 6 март куни Алан Гринспен 80 ёшга тулади. У лавозимини тарк этди, аммо нафақага эмас. Чунки бундан кейин у ўзининг «Гринспен Ассошиейтс» консалтинг компаниясини бошқаради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Эрон президенти Махмуд Ахмадинажот БМТ нозирларининг Эрон ядро иншоотларини кўққисдан текширишларини таққиқлаб қўйди.

Бу ҳақда МАГАТЭ Эрон ядровий маълумотларини БМТ Хавфсизлик кенгашига топшириши хусусидаги билдирувидан сўнг қарор қабул қилинган. Бундан ташқари, Эрон тарафи расман уранни тўйинтиришга қайта киришгани ҳақида хабар тарқатган. Мазкур ҳолат эса ўз навбатида уранни Россиянинг худудидаги корхоналарда қайта ишлаб, ундан кейингина Эронга етказиш бора-сидаги таклифини муаммо остига қўйди.

Ўтган ҳафта сайловда ғалаба қозонган ХАМАС радикал ҳаракати раҳбарлари ва Фаластин мухторияти раҳбари Махмуд Аббос учрашув ўтказиб, янги парламентнинг биринчи мажлисини чақириш санасини белгилаб олишди.

Унга кўра, дастлабки мажлис 16 февраль кунига ўтказилади деб ҳисобланади. Учрашувда, шунингдек, мухторият ҳукуматини шакллантириш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Аббос ҳаммасиларнинг куч ишлатиши салоҳиятига эга бўлган вазирликларни ҳам эгаллаш бора-сидаги саъй-ҳаракатларига қаттиқ қаршилик билдиргани айтилди, хабарларда.

Исроил Фаластин мухториятига ҳар ой берилган 54 миллион доллар молиявий кўмак ўтказиб берди.

ХАМАС ташкилати ўз ҳукуматини ташкил этиши билан ҳар қандай молиявий кўмак тўхатилади, дейишмоқда Исроил томони расмийлари. "ХАМАС ўз позицияларини қайта кўриб чиқмаса ва Исроил давлати борасидаги қарашларини ўзгартирмаса, мухторият бундан кейин бир доллар ҳам пул олмайди", деб таъкидлаган Исроил расмий вакили.

Юбилей

ЖЕМУРИЙЛАР

(Бошланиши ўтган сонларда).

2.6.3.2.Д. КИЧКИНАБЕГИМ Султон Масъуд (3.6.2.3.1.)га онаси бермаган. Отаси ҳаётлигида вафот этиб кетган. Сайид Ота авлодларига турмушга чиққан эди.

Полоққачабегимдан туғилган қизлар:

2.6.3.2.Е. САОДАТБАХТБЕГИМ (Бегимсултон) Султон Масъуд (3.6.2.3.1.)нинг кўзига мил тортилган, унга узатилган. 1 ўғил, 1 қизи бўлган. Каъбатуллоҳга ўғли билан кетиб, ўша ёқда қолган.

2.6.3.2.Е. СУЛТОННА-ЖОТБЕГИМ Искандар (2.6.3.1.3.)га узатилган.

2.6.3.2.Ж. МУНАВВАР-СУЛТОНБЕГИМ Андуҳий сайидларидан Сайид Мирзога узатилган.

2.6.3.2.3. БАЙРАМСУЛ-ТОНБЕГИМ Онаси — Менглибий оқача

Сайид Абдулло Мирзога узатилган. Ўғли Сайид Барака Бобур Самарқандликда хизматда эди, Астробода қизилбошлар қўлида ҳалок бўлган.

2.6.3.2.К. ФОТИМАСУЛ-ТОНБЕГИМ Онаси — М. оғача. Мирношоҳ наслидан Ёдгор Мирзо(Сайид) Аҳмад (3.6)нинг набираси)га узатилган.

2.6.3.2.Л. ОЙШАСУЛТОН-ОҚАБЕГИМ Онаси — Зубайдабегим. Ўғиллари Қосим Хусайн Султон (Бадовун хоқими) ва Абдулло Султон Бобур хизматда бўлган.

3. МИРОНШОХ Соҳибқироннинг Менглибека оқа Жонқирондан туғилган фарзанди, 1366 йил, Мовароуннахр — 1408 йил, Озарбайжон (Сардруд мавзеси).

14 ёшида Хуросон ҳукмдори, Хулоғу давлати худудлари подшоси (1393). 1396 йил оддан йиқилиб шикастанлади, бу ҳаётига кескин таъсир этди. Авлоди Темирўйлар сулоласида энг узок умр кўрган.

6 нафар ўғил ва бир неча қиз (12) бўлган. Умри — 43 йил.

3.1. АБУБАКР 1382 йил — 1417 йил. Отаси — Мирношоҳ (3) Онаси — мўғул маликаси Уринсултонхокича.

1399 йилда отаси ўрнида ҳоким қилиб тайинланди, бироқ рад этди. Укаси Умар (3.2) билан бир умр иختилофда бўлган. Яздий "Зафарнома"сида Абубакрни хожи Сайфиддиннинг қизига, Боязиднинг қизига (1402), Мардин хоқими Султон Иснинг қизига бобосининг таклифи билан уйланигани ёзган. (Фарзандлари — 5/7) Умри — 36 йил.

3.2. УМАР 1383 йил — 1407 йил. Ҳирот. Отаси — Мирношоҳ (3) Онаси — Уринсултон

1399 йилдан отаси ўрнида ҳоким — Хулоғу давлати худудлари подшоси. Бобоси вафотидан кейин бек ата Жаҳоншоҳ билан ихтилофи мавқега пилур этказди. Амакиси Рустам (2.2.) кўмағида Султонияда турган акаси Абубакр (3.1.)га ҳужум қилди. Бироқ натижа бўлмагач, Шоҳрух (4) ҳузурига боради. (Фарзандлари — 2/1) Умри — 25 йил.

3.3. ХАЛИЛ СУЛТОН 1384 йил — 1411 йил. Рай. Отаси — Мирношоҳ (3) Онаси — Хонзодабегим

15 ёшида Хиндистон юришида ҳасорат қўрса-тиб, бобосининг тахсинига сазовор бўлади. Етти йиллик юришида ҳам фаол қатнашди. Соҳибқирон вафотидан сўнг Самарқанд тахтида.

Канизак Шодимулк билан ишқий моҳороти. Шоҳрух унга Рай вилоятини беради, шу ерда вафот этади. Ўғли — Муҳаммад Бақр, 1434 йил вафот этади (4/4).

Умри — 28 йил.

3.4. ИЙЖАЛ 1487 йил — 1415 йил. Рай.

Отаси — Мирношоҳ (3) Дастлаб Бадахшон, сўнг Рай (1411) хоқими. Умри — 29 йил.

3.5. СУЮФАТМИШ 1399 йил — 1411 йил. Отаси — Мирношоҳ (3). Хукморлик қилмаган. Умри — 13 йил.

3.6. СУЛТОН МУҲАММАД, яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган. У Мирношоҳнинг қизларидан бирининг ўғли ҳам бўлиши мумкин (Олим Турғун Файзиев изоҳи). (Онаси — Меҳруш) Фарзандлари — 2 ўғил (2/1).

3.7. САЙДИ АҲМАД, яшаган йиллари ҳақида маълумот сақланмаган. Отаси — Мирношоҳ, Онаси — Давлатқоли (Фарзандлари — 10/2)

3.6.1. МАНУЧЕҲР 1418 йил — 1469 йил. Рустамдор. Отаси — Султон Муҳаммад (3.6)

Онаси — Шоҳислим Укаси — Абусаид (3.6.2) мулозиматида.

Султон Хусайн (2.6.3.2)га қарши фитнада қатнашгани учун қатл этилди.

Ўғли — Малик Муҳаммад (1448-1494) Султон Махмуд (3.6.2.3) Самарқанд тахтига ўтиргач, ўз қайнатасига қарши қўшин тортади. Жангда асир тушиб, Кўксаройда қатл этилди. Қизи — Қорақўзбегим Султон Абусаиднинг тўртинчи ўғли Умаршайх (3.6.2.4)га узатилган. Умри — 52 йил.

3.6.2. СУЛТОН АБУСАИД 1424 йил — 1469 йил.

Отаси — Султон Муҳаммад (3.6).

Самарқандни эгаллаш учун дастлабки ҳаракатларида (1449) Мирзо Улғубек (4.1)дан зарба ёйди.

Абдуллатиф (4.1.4) қатлага етказилганда (1450) Туркистон унинг қўлида эди. Ўзбек хони Абулхайрхон кўмағида Абдулло (4.2.1)ни енгиб, Самарқандни эгаллайди. Хожа Ахрор Валини Тошкентдан Самарқандга чақиртириб, унга яқин олади. Абулқосим Бобур (4.3.3) вафотидан сўнг Хуросонни ҳам фатҳ этади. Ўз допишандлиги, шафқатсизлиги билан машҳур. Кўплаб шаҳзодаларни қатл этган. Узун Хасанбек бошлиқ оққўйли туркмонлар Қорабоққа бориш йўлини тўсиб, Ширвонда маҳв этади.

Маликалари:

Хонзодабегим — Абулхайрхон қизи Робиясултон — Мирношоҳ (3) нинг ўғли Муҳаммад Темир қизи Утабегим (Оқабегим) — Мирзо Улғубек (4.1)нинг қизи.

Руқиясултонбегим — Шоҳрух (4) нинг Бойсунур ўғлидан туғилган Алоуддла (4.3.1)нинг қизи. Офок оқача кўқалдош — Алоуддла (4.3.1)нинг ўғли Иброҳимнинг қизи.

Маликсултонбегим — Ўрдабур тархоннинг қизи. Хонзодабегим — Тоҳиддин Термизийнинг қизи. Шаҳзодабегим — Шоҳ Муҳаммад Бадахшонийнинг қизи.

Боймулк оқача — Жон Дарвишнинг қизи. Хадичабекча — Мавлоно Насриддин қизи.

Нусратсултоноқа — Шоҳвали сулдунинг қизи. Бибисултон оқача — Ферузшоҳ қавчининг қизи.

(Малика ва канизақлари жами — 35 нафар). Фарзандлари: 11 ўғил, 14 қиз (25/34).

Умри — 46 йил.

Ҳақим САТТОРИЙ тайёрлаган. (Давоми бор)

СИРИНГИЗНИ ОЧИНГ, БИБИЖОН!

Бир пайтлар эса бу бутун-ла бир бошқача ҳолатда бўлган. Тонг билан кўёш нуруларини илк бора қаршиловчи, туғлари кўкка санчилган миноралари ялтировчи икита маҳобатли кўрғон бўлган. Уларнинг орасида Бибиҳоним ўзининг хос маликалари билан истиқомат қилган. Иккинчисидан эса уларни кўриқлаб турувчи сарбозлар (черик) бўлган. Кўрғонлар атрофи мевазор боғлар билан ўралган. Бу ерда бозор бўлган, куллолар расталари жойлашган. Малика Сароймулкхоним кўнгилочар базмлар берган, давлат ишлари билан шуғулланган. Юришлардан қайтаётган Соҳибқиронни кутиб олган...

Оҳ, ажойиб хаёл! Биз Хонимқўрғон харобаларига тикилиб, бундан 660 йилдан ошқироқ ўтган даврни кўз олдимишга келтирарканмиз, беихтиёр ўша давр жонлангандай бўлади. Мана, Хонимқўрғон, унинг соҳибби Сароймулкхоним ўзининг хос аёнлари билан кўриб бўлган. Бу ҳолатни Канизак элчиси Рюи Гонзалес де Клавиходан ўтказиб таърифлай олмаимиз: "Сароймулкхоним куйидагича кийинган эди: устида зарҳал билан тикилган учлари ерга сўралди турган узун ва кенг, энгсиз ва ёқасиз қизил шоҳи кўйлак. Кўйлак белидан кесиб торай эрдан нима учун кўрғон курганини хис қиласиз. Бу ёрнинг ҳавоси тоза, "Илон ўтти" дарасининг шамол йўли бор. Унинг шамолда гард бўлмайдми. Ёзининг иссиқ саратонида ҳам шу ер салқин бўлади, — деди Абдулмулук.

Бу худудларда бир пайтлар ер юзиданги биринчи табиий тақвим Сак календари амал қилганлигини тарихчилар гапириб юрадилар. Милоддан илгари II асрда мана шу жойларда қурилган ўзига хос расадхонада фасллар алмашишуви, йилларнинг ҳолати, ойларнинг ўзгариши кузатишган. Демак, Соҳибқирон бобомиз бу ерда кўрғон қуришда жуда кўп воқеаларни кўз олдига келтирган бўлсалар керак.

... Хонимқўрғон деярли йўқ бўлиш арасида турибди. Ундан фақат қулаб тушган деворларнинг устидан унинг чиққан қўжатлар, пойдеворнинг излари, асрлар синовида дош беролмай тараб кетган осори атикаларнинг жойлари турибди.

... Тупроққа авайлаб қадалишни кўй, Бу тупроқ қоракўз бир нисор эди. Пардавои ТОҶИБОВЕВ, "Хуррият" муҳбири

Дастур

ТЕМИРГА БОЙ УН ҚАНЧА ТУРАДИ?

Темир танқислиги ва фоллий кислотасининг етишмаслиги бутун дунёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, камқонлик асоратлари оқибатида кўрилган зарарлар ҳар бир мамлакатнинг йиллик миллий даромадининг 5%ини ташкил этади. Унинг олдини олишга қараганда чора-тадбирларга эса 0,3% йиллик даромаддан воз кечишга тўғри келади. Кўриниб турибдики, ҳар бир касалликни, олдини олиш лозим.

Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институти Республикада камқонлик муаммоси билан шуғулланадиган ва бу бўйича турли дастурларни ишлаб чиқадиган етакчи муассасадир. Институти мутахассислари республиканинг 9 та вилоятида Юнисеф ва JICA халқаро ташкилотлари ёрдамида 2002-2008 йилларда оналар ва болалар ўртасида камқонликнинг олдини олиш мақсадида сапемантация дастурини амалга оширмоқда. Дастурга биноан туғиш ёшидаги аёллар, ҳомиладорлар, ўсимир қизлар ва 2 ёшгача бўлган болалар ҳафтада бир марта темир препаратларидан истеъмол қилишмоқда. Шунингдек, Осие Тараққиёт Банкининг молиявий ёрдамида ўтказилган ЯФСБ-2005 лойиҳасига асосан 2002-2005 йилларда республикамизнинг 5 та худудида 14 та йорик ун ишлаб чиқарувчи корхоналарда унни темир билан бойитиш, яъни фортификациялаш йўлга қўйилди.

ОАВ ларида темир танқислиги, камқонлик муаммосини ёритиш ва аҳолига бу ҳақда керакли билимлар бериш мақсадида ГҚКТИ қошидаги Республика Камқонлик маркази яқинда журналистлар учун "Темир танқислиги камқонлик муаммоси — жамият муаммоси" номи брифинг ўтказди. Унда куйидаги саволлар атрофида муҳокама қилинди.

ТЕМИР МОДДАСИ ИНСОНГА НЕГА КЕРАК?

Темир моддаси қондаги гемоглобин таркибида бўлади.

Ўзбекистон аҳолиси асосан 1-навли ун истеъмол қилади. Шунинг учун, бизда 1-навли ун бойитилади. Табиийки, шу ўринда савол туғилади. Бойитилган уннинг баҳоси қандай? Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 1 кг бойитилган уннинг нархи, оддий унга нисбатан 1 сўмга қимматлашади. Шунинг учун ҳам бу анемия — камқонликдан қутилишнинг энг самарали ва арзон йўлидир. Гапимизнинг исботи сифатида далилларга юзланамиз. Темир моддаси ва фоллий кислотаси билан бойитилган ун АҚШнинг ўзида ҳар йили нафақат анемияни, балки 5000 гача инсулът ва 25000 инфаркт ҳолатларини бартараф қилади.

ЎЗБЕКИСТОНДА АНЕМИЯГА ҚАРШИ КУРАШИЛАЯПМИ?

ЯФСБ-2005 дастури асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11 август 2005 йил ПФ-153 сон "Унни бойитиш бўйича Миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони эълон қилинган эди. Ушбу Миллий дастур GAIN халқаро ташкилотининг гранти асосида амалга оширилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш керакики, собиқ иттифок мамлакатлари орасида GAIN грантига фақат Ўзбекистон эга бўлди. Халқаро миқёсда эса 4 давлат ушбу грантни қўлга киритган. Юқорида баён этилган Миллий дастурнинг асосий мақсади республикамизда камқонлик ва темир танқислигига барҳам бериш ва бугдой унини фортификациялаш (бойитиш)дир. Камқонлик муаммосига жамиятнинг эътиборини қаратиш, табиий ҳодимлар ва аҳолини камқонлик тўғрисидаги билимларини ошириш ҳам дастур ичига киритилган. Бойитилган уннинг сифати доим давлат томонидан назорат қилинади. Республика Камқонлик маркази



зи Миллий дастурга мувофиқ вилоятларда мониторинглар ўтказилади. Натижалар ўрганиб чиқилиб, мутахассисларга усулб илмий ва амалий ёрдам кўрсатади. Шунингдек, Марказ ҳошида 2006 йил 1 мартдан бошлаб 2 кунлик ўқув семинари ва тренинглар ўтказилади. Турли халқаро ташкилотлар ва фирмалар ёрдамида аҳолининг табиий билимини ошириш учун 300 000 дан ортқик плакат ва буклетлар ишлаб чиқилмоқда. Овқатланиш ва анемияга қарши курашишга бағишланган ТВ фильмлар яратилди. Сапемантация дастури бўйича республикага жами 359536000 темир таблеткалари ва 244394 флаконда темир сиропи келтирилди. Истеъмол қилувчиларнинг сони эса 4,2 млн. Улар ҳомиладор ва туғиш ёшидаги аёллар, ўсимир қизлар ва 2-24 ойлик болалардир.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади? Тошкент шаҳрида ҳамма ўз уйда нон пиширмайди. Кўпроқ нонвойхоналардан ёки дўконлардан сотиб олади. Бу ҳолатда истеъмол қилинаётган маҳсулотни бойитилганини қандай билса бўлади? Миллий дастурга мувофиқ шу йилнинг июнь ойигача барча хусусий нонвойхона ва дўконлар қайта рўйхатдан ўтказиш кўзда тутилган.

Азим РҮЗИЕВ



— Селишганлар кунини қаерда ўтказамиз? — Авлиё Валентин черковида...

(Давоми. Бошланиши 1-бетда) Навоий «Садди Искандарий» асарининг форсий тилидаги «Фавоийи Алишерий» номли шарҳи, Мирза Алибаҳт Азфарий Кўрагоний томонидан амалга оширилган «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг форс тилидаги шарҳий таржимаси, Бобурнинг мазкур таржимон бажарган «Аруз рисола»нинг форсий тилидаги шеърӣ таржимасини, Бобурнинг яна «Саларжан» музейида сақланган девонининг ўзбекча мати ораларидаги маъно билан амалга оширилган форсий таржимасидан иборат кўлэмларини келтириш мумкин.

МАНГУЛИККА ДАХЛДОР СИЙМО

Немис олими Альфред Курелла Навоий ижодида юксак баҳо бериб шундай илҳиқ сўзларни айтган экан: «Буюк новатор Навоийнинг дostonлари, рубоий ва эпиграммаларида тараннум топган овоз руҳга Гёте бутун шодлигини бахшида этган бўлур эди».

Сўнгги маълумотларга кўра, Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарининг инглиз тилидаги наشري ҳам амалга оширилганлиги фарбда Навоий асарларини ўрганишнинг янги палласи бошланганлигидан далолат беради. Шунинг учун ва ифтихор билан айтиш мумкинки, Алишер Навоийнинг жаҳоншумул аҳамиятта молиқ бой меросидан Европа халқларини ҳам ошно этиш шарафига муяссар бўлмоқда.

Навоий ижодини унинг шеърӣяти-сиз тасаввур қилиш қийин. Шоирнинг лирик меросини «Хазоин ул-маоний» («Маънолар хазинаси»)га жалланган тўрт девон ташкил этади. Унга 16 турдаги лирик жанрларга мансуб 45 минг мисрадан ортиқ ўзбек тилидаги шеърлар киритилган.

Навоий газалиётини ҳаётга муҳаббат, инсон қадр-қимматини улуғлаш, халқлар ўртасида дўстлик, биродарлик, тинчлик ва ҳамжихатлик каби инсонпарварлик руҳи билан суғорилган. Хусусан, шоирнинг ўзи бу ҳақда шундай дей ёзади:

ҲИҚМАТ
ОКИЛЛИК — ИНСОННИНГ ГУЛТЎЖИ
Уч гуруҳнинг бузилиши мамлакат бузилишига сабаб бўлади. Ҳуқморлар беилм, олимлар беамал ва фуқаролар бетавақул — Аллоҳга суйнаган бўлсалар.

“НАВОИЙ УММОЖИЖА ФАВВОСИ БЎЛГҲИЖА”

Қадимшунослик илмида «буюк шахарлар, тамаддунлар сув бор жойда яъни дарё бўйларидан вужудга келади», деган фикр бор. Буюк Алишер Навоий шахсияти, ижоди ҳақида мулоҳаза қилганда мен ҳазратни соҳилида туркий тамаддуннинг маънавият қасри бўй чўзган эзгулик дарёсига қиёс этаман.

ликни истасанг аввал сўзни қим айтаётганига эмас, хар қимнинг нима даяётганига эътибор бериш лозим. Хар нарсаи сўздан англаса бўлади:

билан инсонлар кириши, масалаларни очик айтиш уни хабардор этиши, шох ҳукми билан муаммолар ечилиши керак. Тундлик бу ишларга монельик қилади. Натижада шох ўз вазифасини рисоладагидек адо этолмайди. Жамиятда ҳал этилмаган муаммолар авж олаётган, бу шох яхши ном орттирмайди, узоқ ҳуқморлик қилолмайди.

Алишер Навоий инсоннинг бад ниятлардан, ёмон сифатлардан бутунлай холилигини хуш кўради, гўзаллик, покликни улуғлайди. Унинг кўнглига ёр ҳижронидан, инсон ноқомиллигидан «футур» этган. Шу боис шoir сифатида у дил «роз» - сирларини ошкор қилишга иштиёқ пайдо қилган:

Ушумад ва тавозе ҳам ўрнида яхши. Аммо «аҳли давлат» бу ҳолни кўпгина ўзидан узоқлаштиргани ўринлидир. Зеро, кўпгина тавозе қилаётган одам миннат туйғайлигига шунга мажбур бўлади. Киши ушумад ва тавозедан узоқ бўлиш хислатини ўзлаштирсанига комил инсон бўлади, дейди улуғ Навоий:

Бадавлат инсон қўли очик бўлса, обрўси зиёдадир. Агар у бахил, хасис бўлса, элда ҳурмати бўлмайди. Шунча мол тўплаб обрўси бўлиш гоат номуносиб. Дано одам олам моҳиятини тўғри англаган кишидир. У энг аввало молу давлат дунёда муваққат эканини билган бўлиши керак. Шу оддий ҳақиқатни англамай сарватга берилиш унинг доноликдан йироқ эканини тезда ошкор этиб қўйди. Умуман, олтин умушга қўл чўзавериш кишининг қўлинигина эмас, унинг кўнглини ҳам сиёҳ этиб қўйиши ҳеч гап эмас:

Навоий ёмон кўрган иллатлардан бири ёлгон ва иккиозламачилиқдир. Шу боис у: *Неча зарурат ичра қолгон чоғи, Чин демас эрсанг, дема ёлгон доғи, дая насихат қилади. Инсон нафсини жиявай олам экан, таъма уни ёлгон ва фосиқликка ундайверади. Навоий, айниқса, раҳбар инсон таъмадан узоқ бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шох девонда муҳр уришини топширган инсон нафсининг харҳасасини бар-тароф этолган, давраларнинг тўрнини эмас, пойгагини кўзлаб, нафсини ўша пойгақда турлишга ўргатиши керак. Агар нафсидан голиб бўлолмас экан, «муҳрни синдирмоқ» афзалдир:*

Навоий дунё аҳлини кузатар экан, уч кишига уч иш ярашмаслигига эътибор қаратади. Қасб, мансаб ва даража кишини маълум ишлардан тийилишини тақозо этишини айтади:

Бадавлат инсон қўли очик бўлса, обрўси зиёдадир. Агар у бахил, хасис бўлса, элда ҳурмати бўлмайди. Шунча мол тўплаб обрўси бўлиш гоат номуносиб. Дано одам олам моҳиятини тўғри англаган кишидир. У энг аввало молу давлат дунёда муваққат эканини билган бўлиши керак. Шу оддий ҳақиқатни англамай сарватга берилиш унинг доноликдан йироқ эканини тезда ошкор этиб қўйди. Умуман, олтин умушга қўл чўзавериш кишининг қўлинигина эмас, унинг кўнглини ҳам сиёҳ этиб қўйиши ҳеч гап эмас:

Нашр

ЯНГИ СОН

Мўйсафид нашрларимиздан бўлган «Ўзбекистон матбуоти» журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. Журнал саҳифалардан ўрин олган мақолаларда мамлакатимизнинг маънавий-маърифий, илмий-сиёсий соҳаларда бораётган ислохотлар жараёнидаги ютуқ ва муаммолар акс этган.

Эътироф

УСТОЗ ҲАҚИДА СЎЗ

Мен ўзимни устозлардан ёлчиган кишиман, деб ҳисоблайман. Мана 11 йилдики, яъни газета ташкил бўлганидан бери вилоят халқ таълимининг «Маънавият гулшани» газетасида муҳаррир Норуқват Тўраев муҳаррирлигида ишлаб келяпман.

ҲИҚМАТ

Алишер Навоий инсоннинг бад ниятлардан, ёмон сифатлардан бутунлай холилигини хуш кўради, гўзаллик, покликни улуғлайди. Унинг кўнглига ёр ҳижронидан, инсон ноқомиллигидан «футур» этган. Шу боис шoir сифатида у дил «роз» - сирларини ошкор қилишга иштиёқ пайдо қилган:

Тарих

ФИДОЙИЛАР

Тарих — одамзот эътиборини доимо ўзига жалб қилувчи, унга сабоқ берувчи, уни хатарли бўлларга қиршидан сақлаб қолувчи ажойиб бир оламдир. Истиқлолдан кейин таърихчилар ана шу оламни холас ва ҳаққоний ўрганишга фидоийлик билан киришдилар.

ҲИҚМАТ КАЛАМИ-ЛА ҲИҚМАТЛАР

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг бебаҳо асарлари орасида «Лисон ут-тайр» достони алоҳида ўрин тутади. Унда инсоннинг маънавий камолотга эриши йўлини кўшлар бошидан кечган раэмий саргузаштлар мисолида моҳирона тасвирлаб берилган.

НИЛУФАР ЖУМАЕВА

НИЛУФАР ЖУМАЕВА КИТОБГА МЕХРИ БАЛАНД ИНСОНДА БИРОЗ ИНЖИКЛИК ҲАМ БЎЛИШИ СИР ЭМАС. КИТОБЛАРНИ АВАЙЛАЙДИ, ХАТТО ТАНИШИГА ҲАМ УЙДА ҲИҚ-БИЛИШГА РОЗИЛИК БЕРАДИ. НОДИР НАШРЛАР БИЛАН ТАНИШИШ ИСТАГИДА БЎЛСАНГИЗ БОРМИ, ХОНА-ДОНИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ. КИТОБ БА-ХОНА СУҲБАТ ҚИЗИГАНДАН-ҚИЗИЙДИ, УНГА ТўРТ-БЕШ СОАТ ҲАМ ЕТМАЙ ҚОЛАДИ. БАЗИДА ЭСА, ШАНБАДА БОШЛАНГАН СУҲБАТНИ ЯҚШАНБА КУНИ ДАВОМ ЭТТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛАМИЗ. РАФИКАЛАРИМИЗ ҲАМ БУНГА КўНИКИБ ҚОЛИШАН, ДАСТУРХОН ЭЗИБ ЧАРЧАШАЙДИ. ФАРЗАНДЛАР ВА НЕВАРАЛАРИМИЗ ҲАМ БЎЛГАН-ГАН ТАРТИБИДА СУҲБАТИМИЗДА БЎЛИБ, СЎЗИМИЗНИ ЖОН ДЕБ ЭШИ-ТИБ БОРАДИЛАР. БУНДАН ОРТИҚ БАХТ БОРМИ, КИТОБСЕВАР УЧУН...

ҲАҚАМ МАҲМУДОВ,

филология фанлари номзоди

Андижондаги «Мерос»

халқаро илмий амалий экспедиция хайрия жамағмаси истиқлол яратган шaroитдан унумли фойдаланаётган яна шундай ташкилотдир. 2001 йил Адлия вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилиб, фаолият бошлаган жамағрма, ўтган 4-5 йил ичида кўпгина хайри ишлар қилди. «Шахидлар хотираси» хайрия жамағмаси раиси, профессор Наим Каримов айтганларидек, «Жамғарма ва унинг раҳбари Р. Шамсуддинов, нафақат республикамиз вилоятларида, балки кўплаб хорижий давлатларга сафар уюштириб архив ва кутубхоналардан ватанимиз тарихига доир кўплаб ҳужжатларни келтирдик, бу гоат саваб ишдир».

Абдулла Аҳмад БАДАВИЙ КАСБГА ИХЛОС

Босмаҳона иши билан тани-

ҲАҚАМ МАҲМУДОВ,

филология фанлари номзоди

Г. ТАҒИРОВА,

Сурхондарё вилоти

Домладаги фидоийлик

униг шогирдларига ҳам «юққан» деса бўлади.

Абдулла Аҳмад БАДАВИЙ КАСБГА ИХЛОС

Босмаҳона иши билан тани-

ҲАҚАМ МАҲМУДОВ,

филология фанлари номзоди

Г. ТАҒИРОВА,

Сурхондарё вилоти

Домладаги фидоийлик

униг шогирдларига ҳам «юққан» деса бўлади.

Mustaqil gazeta HURRIYAT. Беш муҳаррир вазифасини бажарувчи: Исмат ХУДОЁРОВ. Тахрир хайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Раҳмон КҮЧКОР, Шерзод ФУЛОМОВ. Индекс: Яққа обуначилар ва ташкилотлар учун — 233. Газетада чоп этилган мақолалардаги фактлар учун муаллиф жавобгар. «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмаҳонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Навбати: Бунёд АБДУЛЛАЕВ. Топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00. Бюрогма — Г - 455. Т: 4050. 1 2 3 4 5. Тахририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.